Исроил билан Фаластин ўртасидаги зиддият яна авж олади деган кўрилади. Маълум бўлишича, 31 март кун Исроил мудофаа вазири Шайх Мофаз мамлакат қуроли кўчларига Фаластиндаги "Ислом жиҳоди" ташкилоти жангариларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларни кучайтириш тўғрисида фармойиш берган. Бунга бир неча кун илгари Исроил ҳудудларининг террорчилар томонидан ракетадан уққа тутилгани сабаб бўлди.

Шунингдек, "Ислом жиҳоди" гуруҳида катта миқдорда ракетадан борлиги тўғрисидаги хабар исроилликларни жиддий хавотирга солиб қўйди. Мазкур ракетадан 30 километр масофага уча олади. Улар ёрдамида Ҳазо минтақасидан туриб, бемалол Исроилнинг Ашкелон шаҳридаги иншоотларни вай-

рон қилиш мумкин.

Ш.Мофазнинг фармойишига жавобан "Ислом жиҳоди" раҳбарларидан бири Хадер Ҳойиб ташкилот барча усуллар билан Исроилга қарши ҳаракатларни давом эттиришини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, яхjudий давлати истило қилган ҳудудларни қайтиб бермас экан, хунрезликлар давом этаверади.



Солиқ

Тадбирлар самара бермоқда

Дилшод ҒУЛОМОВ, Юкори Чирчиқ туман ДСИ бошлиғи

Утган йилги бюджет ва бюджетдан ташқари пенсия, йул ва мактабни ривожлантириш жамғармалари бўйича йиллик режалар ортиги билан бажарилди. Айни кунларда ҳам ҳодимларимиз Вазирилар Маҳаммаси ва президентимиз томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида талайгина амалий ишларни олиб боришмоқда. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига жами 612 та корхона ва ташкилотлардан бюджет ҳамда бошқа мажбурий тўловлар учун жами 4миллиард 847 миллион 300 миң сўм пул маблағи ундирилди. Шунингдек, дебитор ва

кредитор қарздорликка йул қўйган тумандаги "Пиллакор" МЧЖ, "Ким Сунг Папер" МЧЖ ва "Густутқиш-локмаҳсулоттаъминоти" унитар корхонаси, "Ўзбекистон пахта тозалаш заводи" ва бошқа корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчиларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 175-моддаси 3-қисми билан иш қўзғатилиб, 1337,9 миң сўм жариммага тортилди. 121-авторкорхона раҳбарияти томонидан бир йил ичида тақроран дебитор ва кредитор қарзларга йул қўйганилиги учун туман прокуратурасига қасс жаштлар тўловлар учун жами 4миллиард 847 миллион 300 миң сўм пул маблағи ундирилди. Шунингдек, дебитор ва

каби ўнлаб хусусий фирма ва тадбиркорлик субъектлари аниқланиб, уларга нисбатан энг кам ойлик иш хакининг юз баробари миқдоридан молиявий жарима қўлланилди.

Солиқ тушуми — иқтисодий таъини. Шунинг учун бюджет ва бошқа солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳам давлатга ҳам фуқароларга фойдали эканлигини тушунтириш, тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни бартароф этиш мақсадига бошқорларда, жамоат жойларда, маҳалла ва гузарларда учрашув ва тадбирлар ташкил этилди. Бу яхши самара бериб, солиқ ва бошқа тўловларни ўз ихтири билан тўлаётган тадбирлар ва ишбилармонлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

...ҳарб санъатида

Шавкат ЁҚУБОВ, Тошкент автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи масъул ходими

Буюк давлат арбоби Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда Мовароуннаҳр мўлуклар истибодидини бошдан кечиради. Чингизхон босиб ўтган ерларнинг кули кўкка совурилган, шаҳар ва кишлоқлар вайронга айланган, сув иншоотлари яроқсиз ҳолга келган эди. Амир Темур бир ярим асрлик мўлуклар истибодидига чек қўйиб, ўзаро низолаш ва урушларга барҳам бериш, халқни босқинчилардан ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қўйди. Улус қудратини ошириш, халқ турмуш тарзини яхшилаш каби улугвор мақсадлар йўлида катта галабаларга эришди.

Тарихда Амир Темурни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида тан олишади. Наполеон Бонапартнинг эътирофича, Амир Темур жаҳонда биринчи бўлиб ҳаракатдаги армияни тузган. Дарҳақиқат, у жанг чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдирини ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва говларни тадбиркорлик билан енгиб ўтишга муяссар бўлган. Ҳарбий санъатда узоқни кўра билган Амир Темур қўшинни ташкил этиш тадбирига янгилликлар олиб кирган. Соҳибқироннинг даврида энг масъул ва таъинли топшириқларни товачилар (жарчилар ёки чопарлар) бажаришган. Ҳар бир юриш олдидан қўшин тўлаш учун вилоят ва урушларга товачилар юборилган. Улар амирларга Соҳибқирон фармойишини етказишган. Ҳарбий юришларнинг унинг учун қўшинни тақомилга етказиш ва уруш олиб боришда янги жанговар усулларни қўллаш имконини яратган.

Соҳибқирон жангчилар ўртасида қаттиқ тартиб-интизом ўрнатган. Қўшиндаги ҳар бир киши, ҳоҳ оддий жангчи, ҳоҳ лашкарбоши бўлсин, ўз ўрнини яхши билган. Қўшинга доимий гаҳурилик буюк саркарданнинг доимий диққат марказида бўлган.

Амир Темур ҳар бир жанг олдидан машварат — кенгаш ўтказиб, ўз лашкарбошилари билан булажак жанг тўғрисида келишиб олган, жўяли маслаҳатларга кулоқ солиб, уларга амал қилган. Жумладан, Хиндистонга юришида Соҳибқирон аскарларига қарши филлар билан жанг қилигани боис, вазият мураккаблашди. Жангнинг иккинчи кунини арафасида ўтказилган машваратда Халил Султон душманга қарши устига шох-шаббалар ортилган туялар билан жангга киришни, жанг олдидан шох-шаббаларни ёқиб юборишни таклиф қилди. Таклиф Соҳибқиронга маъқул тушади ва у аскарларига буйруқ беради. Натижада устида ёнаётган шох-шаббалар билан жангга ташланган туялар душман филларини даҳшатга солади, филлар ўз сипоҳларини босиб-янчиб орқага қочади. Жангда Темурбек галаба қозонади.

Амир Темур йирик саркарда бўлиш билан бирга жасур жангчи ҳам эди. Шахсан ўзи жангчи-

ларни юришга бошлар, уруш қувончи-ю аламларини жангчилар билан биргаликда баҳам кўрар эди.

Амир Темур Тўхтамышга қарши қўшин тортишда ўз қўшинини мутлақо янгила — "етти қўл" тартибидега тузди. Соҳибқироннинг ҳарб санъатидаги тенгсиз санъати унга Қундузча жангида Тўхтамышхон устидан галаба олиб келди.

Соҳибқироннинг ҳарб санъати ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири — қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва ақсична, ганим кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм — кунбу (кумбун)нинг жорий этилганидир. Бу янги ҳарбий қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Ганибал, Людовик XIV, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинида ҳам бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбоши, Соҳибқироннинг ҳарб санъатини чуқур ўрганган Наполеон Бонапарт армиясининг жанговар таркибидега қўшин қанотини ҳимояловчи қисм бўлган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, отлик аскарлар Амир Темур армиясининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил қуроллар билан қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган. Тузилишига кўра, унинг армияси турк, мўғул халқлари учун анъанавий бўлган ўн, юз, миң ва туманларга тақсимланган. Уларга ўнбеги, юзбеги, миңбеги ва туманбеги сардорлик қилишган. Ҳар биқ беги амир ўз номи — ўринбосарига эга бўлган.

Тўхтамышхон, Илдиризм Боязид билан олиб борган жанглари ва эришган галабалари, Хиндистонга зафарли юришлари, Идил дарёси бўйидаги ҳарбий ҳаракатлари унинг тенгсиз буюк лашкарбоши эканлигининг ёқин далилларидир. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳарбий санъат ўзининг олиёй погонасига кўтарилган. У барпо этган қудратли ва ўта интизомли қўшин жаҳоннинг ўша давридаги энг илгор армия сифатида кейинчалик буюк саркардалар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилди. Амир Темурнинг ҳарбий таълимоти бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Унинг ҳарбий маҳорати халқимиз тинчлиги ва осийшталлиги, мамлакатимиз сарҳадларини кўз қорачиқдай сақлаб келаётган миллий армиямиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

...бунёдкорликда

Гулсара ОСТОНОВА, тарих фанлари номоди, Рашид БОЙТИЛЛАЕВ, санъатшунос

Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳрдаги шаҳарларда мухташам саройлар, қасрлар, масжид ва мадрасалар, мақбара ва қарвонсаройлар, савдо иншоотлари, боғлар бунёд эттириб, юртин ободон этгани тарихий манбаларда қайд этилган. Хусусан, ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Кеш шаҳри ободонлигига катта эътибор берган, ша-



ҳарда дунёга қўйиб кетган машҳур Оқсарой қад кўтарган. Бу мухташам саройнинг пештоқи, тоқу ровоқлари, деворлари зангори ва олтин рангданга арабий нақшли қошинлар, гуддор ўймакор парчинлар билан зийнатланган. Соҳибқироннинг саъй-ҳаракати билан Кеш "Қуббат ул илм

вал адаб" ("Илм ва адаб (тарбия)нинг гулбази") деган унвонга эришган. Захириддин Муҳаммад Бобур таърифлаганидек, "Темурбекнинг зоди-будди Кештин учун уни шаҳар ва пойтахт қилурга кўп саъй ва эҳтиромлар қилди. Олий иморатлар Кешта бонди қилди. Чун Кешнинг қобилияти шаҳар бўларга Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ихтиёр қилди".

Самарқанд салтанат пойтахтига айлантирилган, алоҳида имтиёзга эга шаҳар мақомига эга бўлди. Самарқандда Қарши, Бухоро, Хоразм, Исфхон ва Шерознинг маъмуру буюк қирларни қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбара ва хонақоҳлар қуриди. Шаҳар ташқарисидега эса боғлар барпо этилди. 1403-1404 йиллари Самарқандда бўлган испания элчиси Клавиҳо Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларидан хайратга тушган эди. Зеро, бу даврда машҳур Шохӣ Зинда меъморий ёдгорлик мажмуининг Амир Хусайн, Ширинбека ого, Шодимул ого каби

мақбаралари, Бибиҳоним жоме масжиди, Гўри Амир даҳаси ва бошқалар бунёд этилганди.

Мўлуклар босқини туфайли вайрон қилинган Самарқанд шаҳри бунёдкор бобомиз Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қадимий ўрнидан бироз жануброқда янгидан барпо этилди. Шаҳарнинг Чингизхон босқинида бузилган мудофаа иншоотини тиклаш билан бирга Амир Темур фармонига биноан, 1371-1372 йиллари шаҳар арки ҳам қад кўтарди. Қурилиш ишларига энг тажрибали буюккор устлар жалб этилиб, бу ишлар амир Оқбуға раҳбарлигида олиб борилган эди. Шаҳар арки деворининг баландлиги 8 метр, эни пастанд 3 метрдан ортиқроқ қилиб тикланган. Арк ичида маъмурий бинолар, масжид ва мадрасалар, шоҳона уй-жойлар, улкан кутубхона, газнахона, зарбхона, аслахоналик устаноналари жойлашган.

Арқдаги бинолар ва уларнинг деворлари гўзал ва бетакорор нақшлар билан зийнатланган, ашиқлари хашамдор қилиб безатилган, арк дарвозалари халқларни етти хил маъдан қотишмасидан таъйёрланган. Шаҳар ичида Амир Темур қараргоҳи Кўксарой ва Бўстонсарой бунёд этилган. Соҳибқирон авлиё Хожа Нуриддин Басир, тарикат пешволари Зангиота ва унинг турмуш ўртоғи Анбар она қабрлари устига ҳам мақбара қурдирган.

Бунёдкор бобомиз Сайфиддин Баҳарзий, Баён Қулихон мақбараларини таъмирлатиб, асн ҳолига келтирган, Самарқанд шаҳрининг тевааратида 1378-1404 йиллар давомида ўн иккита боғ, хушманзара қорбоғлар, уларнинг ичида эса гўзал ва нақшинкор саройлар яратган.

Ўша даврда қурилган ва довриги оламга ёйилган тарихий обидлардан бири Гўри-Амир мақбарасидир. Темурийлар сулоласининг хилхонасига айланган бу мақбара безакларининг жиҳоси билан қилишни лол қолдиради. Мақбаранинг ўртасига ўрнатилган сағана тошларидега Темурийларга бағишланган нафис эъзулар бор. Буюк бунёдкор Амир Темур фақат Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухорода эмас, Қарши, Ўш, Марв ва бошқа шаҳарларда ҳам меъморий буюквор, масжид ва мадрасалар, мақбаралар, савдо иншоотлари бунёд эттирган ва бу ишларга бевосита ўзи раҳнамолик қилган. Хуллас, Амир Темур ўзидан жолон тарихида мисли қўрилмаган мухташам меъморий меросни қолдирган.

Таклиф

Матбаачилигимиз истиқболи

Жавлонбек САЪДУЛЛАЕВ, Тошкент тўқимачилик ва енги сановат институти ахборот-матбаа иқтисодий, кимё-технология факультети битирувчи курс талабани

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби мамлакатимиз матбаачилиги ҳам жадал ривож топа бошлади. Бугунги кунда Европа мамлакатлари даражасидаги техника ва технологиялар нафақат йирик нашриётларимиз, ҳатто кичик босма-хоналаримиз томонидан ҳам муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Бу эса, уларда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотларнинг қисқа муддатда жаҳон андозалари даражасида бўлишини ва товарлар тури кўпайишини таъминлайти.

Ҳозир республикамизда 835 та катта-кичик босмахона фаолият кўрсатяпти. Уларнинг 6 таси йирик, 85 тадан кўпроги университетлар ва вазириликларга қарашли, 500 дан зиёди хусусий, 110 тақаси ташкилотлар, муассасалар қарамогидеги босмахоналардир. Шунингдек, 22 та қўшма корхона, 13 та вилоятлар босмахоналари ҳам ишлаб турибди. Яна шаҳар ва туманларда ҳам 110 га яқин кичик босмахоналар бор.

Айни пайтда уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ва сифати Германиянинг «Зиглах», «Колбус», «Хайделберг», Франциянинг «Фортин», «Бронше», Англиянинг «РЭК — Керокс» сингари фирмалари маҳсулотларидан қолишмайди. Қолаверса, етакчи босмахоналаримиз цехларида гарб мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган энг замонавий техника ҳамда технологиялар ишлаб турибди. Хорижий фирма ва корхоналар билан ҳамкорлик алоқалари, шартномавий дастурлар ижроси, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда кадрлар малакасини ошириш ўқувлари ижобий самара бермоқда.


Эндиликда илгор техника ва технологиялар нафақат Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидеги 120 дан ортиқ матбаа корхоналарида, балки барча катта-кичик мустақил корхоналарга ҳам босқинча-босқин кириб келаятгани кузатишмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нафақат ташқи кўриниши, рекламабоп бегази — этикеткасининг жиҳоздорлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Айни шу этикетка ёрд бланка, каталог, буклет, дастурий нашр, расмий-матли ахборотларни мақсаддан узоқроқ худудий босмахоналарда босиш имкониятлари ҳам яратилса, матбаачилигимиз кўламини янаам ортарди.

Ҳозирги кунда Тошкент босмахоналарида этикеткалар ишлаб чиқаришда флексография босиш усули учун босма қолиплар қўллаш анъанавий тус олди. Бунда фотоплёнкалар фотонаборнинг автоматлари ёрдамида чиқарилиб, кейин тасвир нусхалайдиган усқуналар орқали босма қолиплар сиртга ўтказилади ва босма қолип очилади... Жуда оддий, қулай, арзон ва афзал бўлган ишлаб чиқаришнинг бу турларини кичик босмахоналарда ҳам жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги шубҳасиз, салмоқли.

Кичик босмахоналар шартинда янги техника ва технологияларни жорий этиш — жуда катта аҳамиятга молик. Бу босма маҳсулотларимизнинг янада сифатли чоп этилишига, буюртмачилар талаб ва хоҳишлари бажо бўлишига, пировардида, кичик босмахоналар маҳсулотлари ҳам (лозал, этикеткалар, буклетлар, расмий-матли маълумотномалар ва ҳоказолар орқали) дунё бозорига чиқаришга олиб келарди.

Яна бир мулоҳаза: ҳукуматимиз ва парламентимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг (кичик бизнес, фирма, микрофирма, касаначилик, тадбиркорлик, фермерлик ва ҳоказо) барча бўғинларида барқарор ривожланишни изчил таъминлаш йўлида сўнги йилларда қатор қонунлар, қарорлар, ҳуқуқий-меъорий ҳужжатлар қабул қилиб, уларни ҳаётга таъбиқ этишда мухташам гаҳурилик кўрсатиб келмоқда. Эҳтимол, мамлакатимизда ҳозиргача мавжуд ва келгусида янги-дан юзага келувчи кичик босмахоналар фаолиятини яхшилаш, уларни замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозлаш борасида ҳам тегишли қонунлар ёки қонуноти ҳужжатлари керакдир. Олий Мажлисимизнинг Қонунчилик палатасида иш олиб бораётган даҳдор кўмиталар, депутатлар, сиёсий партияларнинг фракциялари бу ҳақда ўйлаб кўришар...



Ш.САРИЕВ олган сурат

Мирза-чўл туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 26 гуруҳда 437 нафар ўқувчи спортнинг футбол, баскетбол, қўл тўпи, шохмат, белбоғли ҳамда юнон-рум курашлари бўйича маҳоратларини ошироқда.

Яқинда спорт мактабининг белбоғли кураши бўйича 7 нафар, шохмат бўйича 6 нафар ёш тарбияланувчилари вилоят мусобақаларига йўлланма олди.

Суратда: БЎСМнинг ёш спортчилари.

Меросимиз

Нодир кўлёмалар

Турсун МАХМАДАЛИЕВ

Термиз Археология музейи кўлёмалар жамғармасида сақланаётган юздан ортиқ нодир китоблар орасида буюк мутофаккир Алишер Навоийнинг икки нусха девони бор.

Бу нодир китобларнинг ўрганиш жараёнида улардаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларга ғувоҳ бўлдик, — дейди у. — Жумладан, биринчи девонда газал ва рубоийлар тартиби қандай бўлса, иккинчи девонда ҳам шундай. Китобларнинг икки хил жилдлангани бизни қизиқтирди.

эса нақш билан бирга ёзув ҳам мавжуд. Бу ёзувда девон муаллифи, китобнинг номи, кўчирилган йили битилган. Қолаверса, кўлёмалар икки хил ҳусниҳатда ёзилган. Бундан кўриниб турибдики, улар икки хатот томонидан кўчирилган. Биринчи нусхадаги газал ва рубоийлар "хатти шикаста" (насталик) ҳақида майда ҳарфлар билан чиройли ёзилган бўлса, кейинги нусха ёзувида хатотлиқ маҳорати унчаллик сезилмайди. Бу каби фарқли жиҳатлар анчагина. Масалан, кўлёманинг биринчи нусхаси оқ ва сариқ рангдаги нафис қозғоларга битилган, газал ва рубоийлар дид билан жойлаштирилган.

Ўзбек киноюлдузлари — Самарқандда

Самарқанд вилоятида Ўзбек миллий кино санъати кунлари бўлиб ўтди. Тадбир давомида мамлакатимизнинг таниқли режиссёрлари ва актёрлари билан бўлган кўзикарли учрашувлар кўп қизиқши уюмдод.

"Ўзбекино" миллий агентлиги ва вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган ушбу ажойиб тадбирдан кутилган мақсад ватанимиз кино санъатининг имкониятларини кенгроқ намоёйиш этиш баробарида

томошабинларнинг талаб ва истакларини ўрганиш, янги ижодий режалар тузишдан иборат эди. Айтиши мумкинки, бу мақсадга тўла маънода эришилди. Уч кун давом этган тадбирда шаҳардаги "Шарқ юлдузи" кинотеатрида ва вилоятнинг кўпгина туманларида 12 та бадиий ҳамда 11 та ҳужжатли фильм намоёйиш этилди. Улар орасида киномуҳлисларнинг эътиборига тушган "Эркак", "Хотира рашик", "Ўйин", "Дев ва пакана" сингари фильмларнинг борлиги тадбирнинг бадиий аҳамиятини оширибгина қолмай жўшқин баҳс-мунозаларга сабаб бўлди.

Ўз мухбиримиз

Йўл қоидаси — умр фойдаси

Транспорт сўз — машаққат оғ

А.СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, Республика ИИБ ЙХХББ бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб борагани сари тадбиркорлик фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Бугун кимдир савдо-сотиқ, кимдир фермерлик ва яна кимдир тадбиркорликнинг ўзига маъқул бўлган бошқа бир кўриниши билан машғул. Тадбиркорлик фаолияти орасида бир тури борки, ундан кўпчилигимиз кундалик ҳаёти-мизда ўзимиз хоҳласак-хоҳламасак фойдаланишга мажбурмиз.

Бу — одамлар узоғини яқин, оғирини енгли қилиш билан шугулланувчи, касб-кори ҳайдовчилик бўлган тадбиркор шохфёрлардир.

Хар бир фаолият мавжуд қонун-қоидаларга мос равишда ташкил этилиши лозимлиги нуқтани назардан қаралганда, бугун йўловчи ташил билан шугулланаётган тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам ўз фаолиятини тўғри олиб боришга тийми?

Таъкидлаш лозимки, Республика Президентининг соҳа фаолиятини тартибга солиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш борасида ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан мутасадди ташкилот ва корхоналар, жумладан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ҳамда мувофиқлаштириш департаменти ҳодимлари таъминоти бўлиб қолган.

Шу ўринда, ҳайдовчиларимизда ҳозир фойдаланишда бўлган ва муддати ўтмаган лицензиялар нима бўлади? — деган савол туғилиши табиий. Бундай лицензиялар ҳеч қандай тўловларсиз янги шаклдаги лицензия варақларига алмаштириб берилади. Бу шу йилнинг 1 юнига қадар амалга оширилади. Агар ҳусусий тадбиркор юридик макомга эга бўлган ҳолда йўловчи ташил фаолияти билан шугулланишни истамаса, у ҳолда лицензия олиш учун тўлаган маблағининг қолган

афзаллиги бор? Афзаллиги шундаки, тадбиркорликнинг ушбу тури билан шугулланишни ихтиёр этган ҳайдовчилар уюшмаларга аъзо бўлишди. Уюшмалар эса республика йўл фондига ўтказилган мажбурий тўловлардан озод этилади. Аъзо бўлиш муддати 2006 йилнинг 1 июнига қадар бўлиб, давлат рақам белгилари ва қайд этиш ғувоҳнома-лари берилади.

Ушбу мутасаддилари фаолиятнинг бу тури билан шугулланишга рўхсат берувчи барча ҳужжатларни ўз аъзоларига оғидан тайёрлаб беришди. Хар кун йўналишга чиқилган оғдин ҳайдовчи тиббий кўриқдан, унинг транспорт воситаси эса техник кўриқдан ўтказилади. Бошқа айтганда, ҳайдовчининг ҳам, транспорт воситасининг техник ҳолати ҳам доимий назоратда бўлади.

Яна шуни айтиш лозим, 2006 йилнинг 1 майдан бошлаб, лицензиялар янги шаклда, муҳофаза-ланган ҳолда чиқарилади. Бу иш билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти шугулланади.

Шу ўринда, ҳайдовчиларимизда ҳозир фойдаланишда бўлган ва муддати ўтмаган лицензиялар нима бўлади? — деган савол туғилиши табиий. Бундай лицензиялар ҳеч қандай тўловларсиз янги шаклдаги лицензия варақларига алмаштириб берилади. Бу шу йилнинг 1 юнига қадар амалга оширилади. Агар ҳусусий тадбиркор юридик макомга эга бўлган ҳолда йўловчи ташил фаолияти билан шугулланишни истамаса, у ҳолда лицензия олиш учун тўлаган маблағининг қолган



қисми қайтариб берилади. Агар фаолиятини давом эттиришни хоҳласа, уюшмага аъзо бўлаётган пайтда лицензияси инобатга олинади. Янги кўринишдаги лицензияси бўлмаган ҳолда йўловчи ташил фаолияти билан шугулланган ҳайдовчилар маъмурий жавобгарликка тортилади. Бунда энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 150 бараваригача бўлган миқдорда жарима солинади. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг бир йил мобайнида тақроран содир этилса, транспорт воситасини мусодара қилишга бўлган жазо чораси ҳам қўлланилади.

Ҳозирги кунда тегишли ташкилотларнинг мутасадди ҳодимлари иш-тироқда махсус рейдлар ўтказиб, йўловчи ташил фаолияти билан шугулланаётган транспорт воситаларининг техник ҳолатидан тортиб, уларнинг тадбиркорлик билан шугулланишга рўхсат берувчи ҳужжатларига тақририш қилади. Аммо, фақат бу тадбир билангина ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, ҳайдовчилар ўз хизмат кўрсатиш маданиятларини оширишлари, ҳатто йўловчилар ҳам намунали хизмат йўлида фойдаланилаётган транспорт воситаларининг техник жиҳатдан сўз бўлишини талаб қилишлари лозим бўлади.

Мулоҳаза

Ўйинчоқ — оғунчоқ...ми?

Давур ЖОЗИЛОВ "Адолат" мухбири

Болалик — бегубор фасл. Ушбу даврда ўйинчоқ ўйнамаган, унга меҳр қўймаган киши бўлмас керак. Бола ўйинчоқ тўғайли дунёни англайди, тафаккури ва фикрлаш қобилияти шаклланади. Шундай экан, жажжиларга мос, хавфсиз ва сифатли ўйинчоқлар ишлаб чиқариш бугунги ривожланган жамиятимизда ҳам долзарб масала бўлиб келмоқда.

Ўйинчоқ ишлаб чиқариш жараёни қатъий давлат стандарт меъёрлари асосида амалга оширишни тақозо этади. Бойси, саломатликка зиён етмаслиги баробарида, у нафақат оғунчоқ, балки ақлий ривожланишга ҳамда предметлар хусусида тушунча ҳосил бўлишига хизмат қилмоғи лозим.

Республикамизда ўйинчоқлар сифатининг меъёрий ҳужжат бандларига мослигини текширувчи аккредитланган синов лабораториялари мавжуд. Ўйинчоқларнинг ташқи кўриниши ва техник талаблари ГОСТ 25779-90 "Ўйинчоқлар. Умумий хавфсизлик талаблари ва текшириш усуллари" асосида амалга оширилади. Унга қўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эгилри-нчан ва айна вақтда асл ҳолатини ушлаб туриши керак.

Каркасли ўйинчоқларда эса оғимли каркас пўлат симлар бўлиши шарт, уларнинг учлари илмоқли бўлиши ва юзага чиқиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда, бола танасини шикастлашиши мумкин.

Тўдрилган юмшоқ ўйинчоқлар. Техникавий шартлар талабларига қўра юмшоқ ўйинчоқлар уч ешдан катта болалар учун мўлжалланади. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида ички қўриқов, қаттиқ ёки ўқир бошқа турдаги жисм бўлаклари, ўлчани 3 мм. ва ундан кам бўлган гранулланган материаллар билан тўдрилиш

ёқли қўллашга йўл қўйилмайди. Металл фурнитурга ўткир қирраларсиз, ёриқларсиз, қаватланмаган, эзилмаган ва узилтиларсиз бўлиши шарт. Ўйинчоқларни ёнғидан ва қуёш нури-нинг тўғридан-тўғри тушишидан сақлаш даркор.

Энг муҳими, уларнинг ваэни бола

мушакла-рида зури-қиш ҳосил қилмасли-ги, овозли ўйинчоқлар белгилан-ган меъёр-дан ортиқ ш о в қ и н ч и қ а р и ш э с а х а л қ и с т е м м о л м о л л а р и б о з о р и н и э г а л л а б о л г а н л и г и с а б а б л и рақобатга дош беролмай ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлмоқдалар. Бошқа кичик корхоналар аҳоли ҳам шунга ўхшаш.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга хориждан, айниқса Хитойда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг ўйинчоқлар кўпгина ҳолларда божжона тўловларисиз, ҳеч қандай ҳужжатсиз ай-дарна йўллар билан яширин тарзда кириб келмоқда. Уларни ҳар қадамда — бозор, дўкон ва савдо қаторларида учратиш мумкин. Бир қарашда киши-ни ўзига жалб қиладиган ушбу махсу-лотлар, афсуски, анчайин сифатсиз, юқоридаги санаб ўтилган талабларга мўталоқ жавоб бермайди.

Тадбиркорларимиз ҳам четдан келти-раётган болалар ўйинчоқлари си-фатини кафолатловчи мувофиқлик сертификати олишга ҳоҳиш бўли-

диришмаётир. Республика синов ва сертификатлаштириш марказининг ҳудудий бўлиналарига ушбу турда-ги маҳсулотларни синов учун яқин вақт ичида деярли муражаат бўлма-ган.

— Болалар ўйинчоғи савдоси жид-дий масала, — дейди Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш мар-кази директори З. Обидов. — Сабаби жажжилар саломатлиги бир жиҳатдан улар ўйнаётган ўйинчоқларнинг дав-лат стандарти талабларига жавоб бе-ришига ҳам боғлиқ. Шундай экан, харид қилишда меъёр талабларига мослиги, мувофиқлик ва илғичлик сер-тификати мавжудлигига ота-оналар эътибор қаратишлари лозим.

— Айна пайтда болалар ёшига мос ўйинчоқлар жуда кам, — дейди Тош-кент шаҳридаги 229-бўча мудираси О.Солихова. — Чунки, тарбияланувчи-ларимиз қўлига ўйинчоқни фақат ча-лғитиш, оғутиш мақсадида бериш но-тўғри. Бир вақтлар ақлий қобилиятни ривожлантириш, ҳаракатларини жон-лантириш учун конструктор ўйинчоқ-лар ишлаб чиқарила эди. Ҳозир улар неғадир анқонинг уруғига айланаб кетди.

Четдан кириб келаётган маҳсулот-ларнинг барчасини сифатсиз деб бўлмайди, албатта. Лекин кўпчиликини ўйлантираётган яна бир муаммо бор-ки, бу ҳақда ҳам бош қотириш керак-ка ўхшайди. Яъни, сифатли ўйинчоқ-лар нархи анча қиммат.

Бизнингча, миллий аъналари-мизга хос, ўзбек эртақлари қаҳра-монлари тимсолидаги кўнрақоғу ўйинчоқлар яратиш пайти келди. Бу-нинг учун ўйинчоқларнинг замона-вий шакллари устида мутахассислар жиддий бош қотирсалар, юртимиз болажонлари талаб-эҳтиёжини оз бўлса-да қондирган бўлар эдик. Аҳир, улар ҳам жажжи истеъмолчилар-ку! Муаммони бартараф этишда бирин-чи галда хусусий корхоналар фао-лиятини йўлга қўйиш, тармоқдаги эс-кирган жиҳозларни замонавий те-хнологияларга алмаштириш мақсадга мувофиқ. Шундайгина болажонлар ол-дида юзимиз ёруғ бўлади.



рақобатга дош беролмай ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлмоқдалар. Бошқа кичик корхоналар аҳоли ҳам шунга ўхшаш.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга хориждан, айниқса Хитойда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг ўйинчоқлар кўпгина ҳолларда божжона тўловларисиз, ҳеч қандай ҳужжатсиз ай-дарна йўллар билан яширин тарзда кириб келмоқда. Уларни ҳар қадамда — бозор, дўкон ва савдо қаторларида учратиш мумкин. Бир қарашда киши-ни ўзига жалб қиладиган ушбу махсу-лотлар, афсуски, анчайин сифатсиз, юқоридаги санаб ўтилган талабларга мўталоқ жавоб бермайди.

Тадбиркорларимиз ҳам четдан келти-раётган болалар ўйинчоқлари си-фатини кафолатловчи мувофиқлик сертификати олишга ҳоҳиш бўли-

диришмаётир. Республика синов ва сертификатлаштириш марказининг ҳудудий бўлиналарига ушбу турда-ги маҳсулотларни синов учун яқин вақт ичида деярли муражаат бўлма-ган.

Маданият

Устозларни хотирлаб...

Мухтасархон ҚАРИМОВА

Тошкент циркида таниқли чавандоз, "Ўзбекистон йигитлари" томошасининг асосчиси, халқ артисти Карим Зарипов ҳамда биринчи ўзбек аёл — масхарабоз, чавандоз, хизмат кўрсатган артист Муборак ая Зариповаларнинг хотира кечаси ўтказилди.

Кечада Зариповларнинг бир қанча шоғирдлари иштирок этиб, халқ сўйган санъаткорларнинг ҳозирги АХУдоднинг номли театр биносини барпо этишдаги, миллий цирк труппаси ва оркестрни тузишдаги хизматлари ва ҳозирги кунга қадар сулола вакилла-ри халқимизни ранго-ранг дастурлари билан мам-нун этиб келаётгани ҳақида гурурланиб сўзладилар.

Психолог маслаҳати

Яхши кийим — яхши кайфият

Феруза АҚРАМОВА

Киши маданиятининг асосий бел-гиларидан бири кийинишдир. Ким-нинг қандай кийинганига қараб, унинг ҳулқ-атвори, маънавий дара-жаси ва ҳатто касбини аниқлаш мум-кин.

Инсоният онғида бошқалардан истихоло қилиш, уялиш, андиша ту-шуналари пайдо бўлгандан бош-лаб кийинишни одат қилишган. Ай-тиш керакки, кийинишни илк бор аёллар бошлаган экан. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар руҳиятида кийи-ниш, безаниш, тақинчоқлар тақийш турмушининг асосий кўринишлари-дан бири ҳисобланади. Кийиниш ма-данияти жинс, ёш, миллат, фасл, урф-одатлар, касб-кор, замон ва та-рақиятнинг муайян босқичи, дара-жаси билан бевосита боғлиқдир.

Кийим оданин иссиқ-совуқдан сақлайди, шу билан бирга киши та-наси ва руҳиятига ижобий таъсир этади. Яқин ўтмишда ота-боболари-миз ятак, дўппи, тўн кийишган бўлса, момоларимиз нафис узун кўйлак, ковуш-макси, камзул кийишган. Уларнинг бажарадиган юмуши, ҳаёт тарзига шундай кийиниш қулай бўлган. Бугунги кунда эса кийиниш Европа маданиятига хос бўлиб қолди. Бу ҳолатга кўпчилик мойил, шу билан бирга, иш жойида маъқул ва қулайдир. Лекин кийиниш орқали кишиларнинг, айниқса, қизларнинг психологиясидаги ўзгаришлар ки-шини ташвишлантиради. Зеро, аёлларнинг, айниқса қизларнинг энг ғўзал, энг қадрли зийнатлари уларнинг ҳаё ва ифтидир.

Масалан, қиз бола ота-онаси бағрида европача кийиниб юрди, бунга ўрганди, дейлик. Уни турмушга ҳам бериш-ди. Турмуш қуриш ундаги ҳиссий ҳолатларга ва айниқса турмуш ур-тоғининг унга булган муносабатига сир-бий таъсир кўрсатади. Аёлда сир-лилик йўқолади, жуфтлар орасида ҳиссий тўйиниш юзага келади. Бир-бирига талпиниш, ҳайратланиш ўрни-га оддий қараш психологияси юзага келади. Бу ҳолат улар ўртасида, би-ринчи галда муҳаббат хисларининг сустлашувига олиб келади. Натига-да ҳали ҳеч қанча вақт берига яшаб улгурмай ажралишга ҳаракат қили-шади. Чунки бу пайтга келиб улар орасида андиша, уялиш йўқолади. Французларда бир нақл бор: "Аёл киши ўз оилавий ҳаётини сақлаб қолиши учун сирлилигини сақлаб қолиши керак. Турмуш уртоғи ҳар сафар унинг очилмай қолган қир-расини ва сифатини ҳис этиши ке-рак". Бунинг тўб асосида биз қоғори-да шарҳлаган инсон хислари пси-хологияси етади.



Кийиниш маданияти хар бир инсон учун билиши ва амал қилиши лозим бўлган қоидалар ўртасида энг юксакдир. Шу ўринда бир ривоятни келтирамиз. Учга ака-ука сафарга чиқиб, ўрмонда тунаб қолишларига тўғри келибди. Шунда улар навбатма-навбат ухламай қуриқчилик қилишибди. Ухлаб қолмаслик учун катта ака бир дарахдан аёл танасини ясабди, урганчаси бу танага жон ато этибди, энг кичиги эса қизга либос тикибди. Учаласи ҳам қизни бирдек севиб қолиб, унинг юрагини қабат этиш истагини билдирганлариди, қиз уларнинг орасидан либос тикканини танлабди.

Инсонни кийим жозибали, ёқимли, ҳушқурат бўлиб кўринишига ёрдам беради. Шундай экан, кийиниш маданияти ва сирларини билиш барча учун зарур.

Кийиниш маданияти хар бир инсон учун билиши ва амал қилиши лозим бўлган қоидалар ўртасида энг юксакдир. Шу ўринда бир ривоятни келтирамиз. Учга ака-ука сафарга чиқиб, ўрмонда тунаб қолишларига тўғри келибди. Шунда улар навбатма-навбат ухламай қуриқчилик қилишибди. Ухлаб қолмаслик учун катта ака бир дарахдан аёл танасини ясабди, урганчаси бу танага жон ато этибди, энг кичиги эса қизга либос тикибди. Учаласи ҳам қизни бирдек севиб қолиб, унинг юрагини қабат этиш истагини билдирганлариди, қиз уларнинг орасидан либос тикканини танлабди.

Table with contact information for 'Adolat' newspaper, including phone numbers, fax, and address details.

ТАФАКТУР

ГОЛИБЛАР МАҒЛУБЛАРДАН ШИРИНОҚ УХЛАЙДИЛАР. Плуларх